

Закотни фарзлигини унутманг!



17:55 / 28.09.2019 2463

Савдогар киши тижорат молларидан закот фарзлигини зинҳор унутмаслиги ва бу молиявий ибодатни вақтида адо этиб туриши лозим.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

كَسَبْتُمْ مَا طَيَّبْتُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ ءَامِنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

«Эй иймон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингизнинг покизаларидан нафақа қилинглар» (267-оят).

رَجُلًا يَفِيءُ لَكَ لَوْ كَانَ جَانِبًا

Мужоҳид: «Ушбу оят тижорат ҳақида тушган», деган. Бу ояти карима тижорат молларидан закот бериш вожиб эканига далилдир.

